



O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil, 18-avgust. Seshanba 96 (31.999)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Ижроқўм кун тартибига кўра, партиянинг Сайловолди дастури ва 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларнинг 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижроси, партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдига турган долзарб вазифалар, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигини нишонлашда партия ташкилотларининг иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Устувор вазифалар белгилаб олинди

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодийни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро ҳам-жамиятда муносиб ўрин эгаллашига эришиш ҳар бир фуқародан ижтимоий-сиёсий фаоллигини талаб этади, — деди ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Қўзтай Қурбанбаев. — Депутатлик корпуси — Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгашидаги ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар учун яратилган кенг шароитлардан самарали фойдаланиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ўйлантираётган масалаларга афғончи ечим топиш долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда партия тизимида электрат вакилларига тегишли амалий ёрдам кўрсатиш, улар дуч келаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида 15 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритмоқда. Йил бошидан буён Жамоатчилик қабулхоналарида 142 мурожаат келиб тушган бўлиб, мазкур мурожаатларнинг 89,2 фоизи ижобий ҳал этилган. Қонгларни бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилган.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Фуқаролар мурожаатларининг ижобий ҳал этилиши

партиямиз нуфузини янада мустаҳкамлайди

Бугунги кунда ЎзХДП ҳудудий кенгашлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар тез ва самарали ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мурожаатлар партия фаоллари ва депутатлар томонидан пухта ўрганилиб, уларнинг аксарияти тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ҳал этилмоқда. Юридик маслаҳатлар берилмоқда.

2



Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида энг улуг, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг 24 йиллиги байрамига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида «Ўзбекистон — умумий уйимиз!» байрам тадбири ўтказилди.

Унда пойтахтимизда фаолият юритаётган миллий маданий марказларнинг бадиий жамоалари, мамлакатимизда истикомат қилаётган турли миллат вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тову, аҳил-иноқликда яшаб келмоқда. Улар-

нинг урф-одатлари ривожланиши учун барча шароитлар яратилган. Бу каби тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад ҳам юртимиздаги аҳиллик, ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик ва тинчликни тараннум этишдир.

Юртимизда яшаётган ҳар бир миллат вакили мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан четда қолаётгани йўқ. Уларнинг ҳар бирида эртанги кунга бўлган юксак ишонч ва интилиш туйғулари мужассамдир.

Ўзбекистон — бизнинг Ватанимиз, — дейди тошкентлик Айжана Тожибоева. — Мен шу юртда туғилдим, улғайдим.

Ўзбекистонда қозоқ миллий маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ўтказиладиган тадбирларда доимий равишда қатнашиб келаман. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир инсонни бирдек қадрлайдиган Президентимизга раҳмат. Мен Ўзбекистон фуқароси эканлигимдан фخرланаман.

Тадбир доирасида тасвирий ва амалий санъат намуналари, миллий таомлар ва либослар, ҳунармандларнинг ижодий ишлари асосида кўргазма намойиш қилинди. Бадиий жамоалар қатнашчиларининг махсус концерт дастури тақдим этилди.

Шоҳбоз САИДОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди

ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан мактабгача таълим муассасаларида спорт тўғрисидаги таълим ташкил этиш, болаларнинг соғлом бўлиб улғайишини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар халқ депутатлари Оққўрғон туман Кенгашидаги Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқилди.

— Соғлом, баркамол авлодни камолга етказишда таълим ва тарбиянинг бошланғич тизими — мактабгача таълим муассасалари муҳим аҳамиятга эга, — деди халқ депутатлари Оққўрғон туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Муяссар Алимбетова. — Партияимизнинг Сайловолди дастурида ўсиб келаётган авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол этиб тарбиялаш масаласи устувор вазифалардан бири си-

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида ЎзХДП Жиззах вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига жорий йилнинг январь-июль ойларида 303 мурожаат келиб тушган, уларнинг 85 фоизи ижобий ҳал қилинган.

Эътироф

Ўзбекистон ҳақида кўп эшитган бўлсам-да, рости, бунчалар гўзал ва мафтун-кор, деб ўйламагандим. Айниқса, Самарқанддаги кенг ва раво кўчалар, кўркам хиёбонлар ва албатта, тарихий обидалар ҳайратимни оширди. Сержило фавворалар отилиб, гулулзорлардан таралаётган ажойиб ифода ҳар қандай инсон баҳри дилини очиб юборади. Самарқандда Мустақиллик байрами ва «Шарқ тароналари» Х халқаро мусика фестивалига тайёргарлик кўрилатган экан. Кўчалар, Регистон мажмуасининг байрамга мос тарзда безатилганини кўриб, ҳавасим келди. Тайёргарлик шунчалик кўтаринки бўлса, байрам ниҳоятда чиройли бўлишини тасоввур қилиш қийин эмас. Интернет орқали албатта кузатиб бораман.

Ким Сон ЖУ,
(Жанубий Корея).

«БЕҲЗОД АБДУРАИМОВНИНГ ОЛОВЛИ БАРМОҚЛАРИ»

Швейцариянинг «Le Temps» нашрида ҳамюртимиз Беҳзод Абдураимов ҳақида ушбу сарлавҳа остида мақола чоп этилди.

LE TEMPS CULTURE

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

LE TEMPS CULTURE

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

BEHZOD ABDURAIMOV, des doigts de feu

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ТАРАҚҚИЁТ ВА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Термизда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шериклини ривожлантиришда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўрнига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамияти

шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда парламент комиссияси ва халқ депутатлари

вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Мазкур қонун билан ижтимоий шериклининг

асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартиби, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда ундаги субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилгани фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, жамиятда нодавлат нотижорат ташкилотлари ролини кучайтиришда муҳим омил бўлаётди. Семинарда ҳудудий ижтимоий-

иқтисодий ривожлантиришга оид дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб қилиш амалиёти, қонунчиликка ривоз этилиши устидан жамоат назоратини амалга ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА муҳбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

САМАРҚАНД — ҲАЁТ ЧАШМАСИ



ЎЗБЕКИСТОН ХДП БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

■ ДАВРА СУХБАТИ

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан «Кино ва ёшлар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда қанот фаоллари, партия аъзолари, мутахассислар иштирок этди.

Кино ва ёшлар



Эркин фикр, очик мулоқот тарзида кечган суҳбатда кино санъатининг ёшлар тарбиясидаги ўрни, миллий ва тарихий сериалларнинг аҳамияти хусусида фикр алмашилди.

— Кино фарзандларимиз тарбиясида ўзига хос аҳамият касб этади, — деди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Рўзибек Тўраев**. — Ёшларда тақдир қилишга интилиш юқори бўлгани боис, кино қаҳрамонларига ўхшашга интилади. Демак, чинакам ватанпарвар, юсак инсоний фазилатга эга, мард ва жасур образлар талқини томошабинга маънавий озуқа беради.

Давра суҳбатида, кинорежиссёр **Аюб Шахобиддинов** истиклолгача ўзбек киносига бўлган муносабат, унда ёритилган мавзулар ва илгари сурилган гоёлар ҳақида тўхталиб ўтди. Уша даврда барча соҳаларда бўлгани каби кино санъатида ҳам цензура ва сунъий тўсиқлар, очикдан-очик таъйиқлар юз берганини таъкидлади. Киши дилини хира қиладиган яна бир жиҳати, кинофильмлар ўзбек тилида суръатга олиниб, русча овозлаштирилган. Марказга бориб, қўриқдан ўтса, у қайтадан ўзбеклаштирилган. Режиссёрнинг фикрича, буларнинг замирида ҳам, халқимизни таҳқирлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини поймол қилишдек ғараз ният ётган.

Тадбирда истиқлол йилларида кинога бўлган эътибор эътироф этилди. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда хусусий киностудиялар томонидан суръатга олинаётган айрим фильмлар бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбатида, шунингдек, кино оламидаги янгиликлар, режиссёрларнинг ишлари ҳақида ҳам сўз борди. Иштирокчилар томонидан берилган ҳар бир саволга экспертлар гуруҳи атрофлича жавоб қайтарди. Тадбирда «Энг яхши иштирокчи», «Энг яхши савол эгаси» номинациялари бўйича ғолиблар тақдирланди.

Шунингдек, Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан суръатга олинган фильм намойиш этилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Устувор вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон ХДП Урганч шаҳар, Қўшқўпир, Шовот туман кенгашларида бўлиб ўтган йиғилишларда асосий эътибор Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижрокўмининг 2015 йил 15 июлдаги кенгайтирилган йиғилиши натижалари ва олдinda турган вазифалар муҳокамасига қаратилди.

Утган давр мобайнида партиянинг дастурий максдаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ижобий натижалар ҳамда йўл қўйилаётган камчиликлар алоҳида таъкидлаб ўтилди. Таҳлиллар партия сафларини янада кенгайтиришдаги самарали натижалар билан бирга, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётганини кўрсатади.

— Фаолиятимизда ютуқлар билан бир қаторда ечимини қутаётган масалалар, ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар борлигидан қўз юмиб бўлмайди, — дейди **Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуиров**. — Белгиланган айрим вазифаларнинг бажарилишида масъулиятсизликка йўл қўйилган, иш режаларини тўлиқ бажармаслик, ижро интизоми қоидаларининг бузилиши каби ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигини нишонлашда партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш борасида бир қатор ташкилий ва мафкуравий вазифалар белгилаб олинди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.



Ютуқлар ўзимизники, бироқ асосий эътиборни билим ва тажрибани фойдаланилмай турган имкониятларни ишга солишга қаратиш, партияимиз аъзолари сонини сифат жиҳатидан ошириш ҳамда ЎзХДП Ҳаракат дастури, Устави талабларини тўлиқ бажаришга йўналтиришимиз, айрим туманлар партия ташкилотлари раҳбарлигига ишнинг қўзини биладиган, ташкилотчи, ташаббускор кадрларни тайинлашимиз талаб этилади.

Таъкидландики, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини доимий равишда қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этишда оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш сингари вазифаларни зудлик билан ҳал этиш зарур. Шу билан бирга, олис қишлоқ аҳоли пунктларида спортнинг оммавий турларини ривожлантириш, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар фарзандлари, айниқса, қиз болаларни спорт анжумлари ва кийимлари билан таъминлаш ишлари бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини қўлайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

— Партияимиз сафига 3636 нафар аъзо бирлашган, — дейди **Саноаб БЕРДИЕВА, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши бўлим мудири**.

— Партияимиз сафига 3636 нафар аъзо бирлашган, — дейди

! ЎЗБЕКИСТОН ХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Мактабгача таълим муассасалари фаолияти кўриб чиқилди

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

— Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади, — деди **туман халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими раҳбари Тамара Аҳмедова**. — Мактабгача таълимнинг мақсади — болаларни мактабга тайёрлаш, соғлом қилиб ўлғайтириш, шахс сифатида шакллантириш, қобилиятларини очиб бериш ва билим олишга бўлган иштиёқини оширишдан иборат.

Туманимизда 12 та ана шундай маскан бор. Жумладан, 1-сонли мактабгача таълим муассасасида логопед ва ортопед мутахассислар фаолият олиб боради. Спорт тўғрисида 300 нафарга яқин бола жалб қилинган. Муассаса тарбияланувчилари учун режа асосида «Кувнок стартлар», «Соғломжон — Полвонжон», «Кичкинтой — Ширинтой» каби турли мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Бу эса уларнинг соғлом, қаққон бўлишига, тўғри фикрлаш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Доимий комиссия йиғилишида ЎзХДП

гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишлар жараёнида тумандаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятида айрим камчиликлар ҳам борлиги қайд этилди. Хусусан, айрим болалар богчаларига белгиланган меъёрдан ортиқ бола қабул қилинган. Натижада гуруҳларда санитария-гигиена қоидалари бузилиши, болаларни тиббий қўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш ишлари қоншарсиз бажарилмоқда. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ҳамшираларнинг билим ва қўникмалари талаб даражасида эмас.

— Мактабгача таълим муассасаси ёшидаги бола организмиз тез ўзгаради, — деди **туман давлат санитария эпидемиология назорат маркази раҳбари Ботирхон Раҳимов**. — Бу вақт мобайнида у кўпроқ организм учун зарур бўлган витамин ва минераллар билан тўйинтирилган, сифатли ва юқори калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиши зарур. Боланинг жисман ўлғайиш жараёнини инobatта олган ҳолда, унинг бир кеча-кундуз

лик овқат меъёрлари тартиби қатъий белгиланган. Кунига ўртача ўн соат давомидида мактабгача таълим муассасасида бўлиши кўзда тутилган болалар уч маҳал овқатланади. Боланинг ўн соат давомидида кундалик истеъмол маҳсулотлар калорияси нонуштага 25 фоиз, тушликка 35 фоиз, иккинчи нонуштага 15 фоиз қилиб белгиланган.

Муассаса таомномасига киритилган 24 хил маҳсулотга бугдой унidan тайёрланган нон, ёрмалар, макарон, мой, дон маҳсулотлари, шаккар, саригё, ўсимлик ёғи, сут, қатик, йогурт, творог, пишлоқ, гўшт, қолбаса маҳсулотлари, балиқ, тухум, картошқ, сабзавотлар, мевалар, чой, қакао, йодланган туз кабиларни киритиш мумкин.

Олиб борилган ўрганишлар мобайнида тумандаги аксарият мактабгача таълим муассасаларида витамин ва минераллар билан тўйинтирилган, сифатли ва юқори калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган меъёрлар бўйича берилмаётгани аниқланди.

Доимий комиссия йиғилишида тумандаги мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш масаласи атрафлича таҳлил қилинди. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатлар томонидан мактабгача таълим муассасаларида овқатланишнинг ташкил этиш, ҳафалик ва қўник таомномаларни тузишда бола организмизнинг ўсиши, ривожланишини ҳисобга олиш, таомларнинг сифатли, юқори калорияда бўлишини таъминлаш масалаларида қатор тақлифлар берилди.

Доимий комиссия йиғилишида муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Меҳроҳ ДАРХОНОВ

■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Фуқаролар мурожаатларининг ижобий ҳал этилиши

партияимиз нуфузини янада мустаҳкамлайди

Нукусбой ҒАНИЕВ,

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири.

— Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси, туман ва шаҳар кенгашлари қошида жами 15 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Сўнгги йилларда партия кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти самарадорлигини ошириш учун қатор чоралар қўрилмоқда. Фуқароларнинг мурожаатлари ҳиссамизни қўшишдир. Бу борада ҳамкор ташкилотлар билан аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олиб фаолият юритмоқдамиз.

Шунингдек, йиғилишларда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамини кенг нишонлашда партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Партия сафларига янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Партия ва меҳнат фахрийларининг бир гуруҳи ЎзХДП вилоят ҳамда туман кенгашларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жорий йилнинг 6 ойи давомидида Жамоатчилик қабулхоналаримизга жами 175 фуқаро мурожаат қилди. Шундан коммунал соҳада 28, ер олиш мақсадида 16, ишга жойлашиш масаласида 25, пенсия, болалар нафақасини ўз вақтида олиш юзасидан 6, моддий ёрдам сўраб 44, кредит масалалари бўйича 14, ижтимоий ва соғлиқни сақлаш масаласи бўйича 17 ва бошқа масалаларда 24 мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг 89 фоиздан ортиги ижобий ҳал қилинди. Бу борада Чим

Ғайрат ПИРНАЗАРОВ,

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири.

— Ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий жиҳатдан манзилли қўллаб-қувватлаш масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш, электротар вакиллариға тегишли ёрдам кўрсатиш мақсадида маҳаллий партия кенгашларида 14 та Жамоатчилик қабулхонаси ишлаб турибди.

Жорий йилнинг январь-июль ойларида Жамоатчилик қабулхоналарига 303 мурожаат келиб тушган. Хусусан, коммунал соҳада 112, ер олиш масаласида 27, ишга жойлашишда кўмак сўраб 98, иш ҳақини ўз вақтида олиш бўйича 37, моддий ёрдам сўраб 29, соғлиқни сақлаш борасида 17, халқ таълими юзасидан 5, банкдан кредит олиш масаласида 11, бошқа соҳаларга доир 29 мурожаат қайд этилган.

Мазкур мурожаатларнинг 85 фоизи ижобий ҳал қилиниб, қолган масалаларнинг ижроси назоратга олинган.

Жойларда партия электротарти, сайловчиларни ташвишлантираётган муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан аниқ тақлифларни тайёрлаш ҳамда ташаббус билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари ва сессиялари муҳокамасига масалалар кири-

Давоми. Бошланғич 1-бепда.

бой, Тўртқўл ва Нукус туманлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятдан қўллаб-қувватлаш келтириш мумкин.

Масалан, Нукус туманида истиқомат қилувчи фуқаро Б.Жуманов Ўзбекистон ХДП Нукус туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига кредит олишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Мурожаатни депутатлар, туман партия кенгаши фаоллари қўриб чиқиб, фуқарога Агробанқдан 3 миллион 500 минг сўм миқдорида кредит олиб берилишига амалий ёрдам кўрсатган...

Мурожаатларни ўрганиб ҳал этишда депутатлар ҳамда экспертларнинг имкониятларидан ҳам умумий фойдаланилмоқда. Бу эса электротарти уйлантираётган масалалар ўз вақтида ижобий ечим топишда муҳим омил ҳисобланади.

Агар чуқурроқ ўйлаб қўрилса, Жамоатчилик қабулхоналари партияимизнинг нуфузини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада кучайтириш учун, аввало, уни тарғиб қилиш керак. Агар, одамлар ў ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлса, ундан ёрдам қўришига ишонса, мурожаатлар қўпаяди.

Ғайрат ПИРНАЗАРОВ,

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири.

тиш, шу орқали қабул қилинган қарорларнинг сифатли ва тизимли бажарилиши юзасидан депутатлик назоратини ўрнатиш амалиётини кенгайтиришга эришилмоқда.

Ғалларол туман «Совруқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидидаги Совруқ қишлоғида яшовчи Рустам Холикулов ЎзХДП туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига январь ойида соғлиқини яхшилаш учун ёрдам сўраб мурожаат этган эди. Ушбу масала «30-Совруқ» сайлов округидан сайланган депутат Дархон Синдорон ёрдами билан ҳал этилган.

Бундан ташқари, Ғалларол тумани «Оқтош» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Бозорбой Жумабоевга ҳам мурожаати асосида ёрдам кўрсатилди...

Бир сўз билан айтганда, сиёсий партияни халққа яқинлаштирадиган, жамиятда таъсир кучини оширишга хизмат қиладиган энг муҳим масала — одамлар ишончини оқлаш ва уларга ўз вақтида ёрдам кўрсата олишдир. Демак, ЎзХДП ташкилотлари, депутатларимиз бу борада Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан янада самарали фойдаланиши керак бўлади.

Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ИЖТИМОИЙ ХИМОЯ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЭХТИЁЖМАНД АҲОЛИ ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИ УЧУН КУРАШАДИ.



■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ПАРЛАМЕНТДАГИ ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТОРАТ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШ УЧУН ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ.

Ўза парваришида агротехник тадбирларнинг аҳамияти катта

Сувга бўлган талабга қараб, ўзанинг ўсиши, ривожланиш фазалари 3 даврга бўлинади: чигитлар униб чиқишидан ўза гуллашигача (апрель-июнь); гуллаш — ҳосил тўплаш даври (июнь-август) ва ҳосилнинг пишиш даври (август-сентябрь).

Мамлакатимизнинг барча минтақа, вилоятларида август ойида ўзаларнинг гуллаш — ҳосил тўплаш фазаси даврида суғориш сувларидан қолдириш мутлақо мумкин эмас, акс ҳолда ўзалар ўс. ай, ривожланмай қолади. Бу ҳосил тугунчаларининг (шона, гул, қўсақ) катта қисми тўкилиб кетишига, пастки барглари сарғайишига олиб келади. Ўзани пишиш фазасида ҳам албатта суғориш зарур, суғориш натижасида қўсақдаги пахта вази ортади. Ўқ ариқларни баландроқ жўлардан олиш, уларнинг оралиғи — 60 см., схемада 60-80 метр, 90 см. схемада экилган майдонларда 100-120 метрдан ошмаслиги лозим. Эгитлар барча узунлиги бўйича бир текис намиқши учун суғориш эгитлари мумкин қадар чуқурак олиниши керак. Суғоришда ўзага керакли сув етказиб бериш учун тупроқ шароитидан келиб чиқиш лозим. Акс ҳолда, ўзага талаб қилинадиган сув таъминоти етарли бўлмайди. Суғориш эгитлари боши чимлар, қозғолар, найчалар орқали тўғирланиб, ростланиб, тупроқ тўлиқ намиқши учун суғориш сувлари барча эгитлардан қўйилиши керак. Тупроқларнинг аста-секин нам тортиши учун бутун эгит бўйлаб ҳар бир эгитга сувни жилдираб ўзгарувчан оқимда аввал кўпроқ, кейин икки баравар камайитириб, охирида суғориш сувларини жилдираб доимий оқизирилиши ҳар бир эгитда таъминлаш, бу деганимиз суғоришлар деярли оқовасиз амалга оширилиши керак.

Аҳоли, фермер хўжаликлари ва барча турдаги сувдан фойдаланувчилар ўртасида суғориш сувини тўғри тақсимлаш талаб этилади. Экинларни суғоришга ажратилган сув миқдорининг суғориладиган майдонларга мувофиқ келишини ҳисобга олиш жуда муҳим. Бунда 1 гектардаги ўзани суғоришга 800-900 м³ сув меъёри белгиланиб, далага секундига 50 литр сув бериб турилганда, бир кеча-кундузда камиди 5 гектар майдон суғорилиши керак. Суғориш ишларини самарали ўтказиш учун ҳар бир далага маллаки сувчиларни бириктириш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш, қулай шарт-шароитлар яратиш керак.

Мамлакатимизнинг жанубий минтақа вилоятларида август ойидан ўзада пишиш фазаси бошланади. Ўзанинг пишиш даврида дефолиация ўтказилиши муҳим ҳисобланади. Ишлаб чиқариш шароитида ушбу тадбир илмий муассасалар томонидан ишлаб чиқилган, амалиётда тасдиқланган тавсиялар бўйича тўла-тўқис олиб борилаётган сабабли, баъзи жойларда ўза дефолиациясининг самарадорлиги пасайиши кузатиш мумкин.

Ўза дефолиацияси ўз муддатида ва сифати ўтказилганда ўсимликдаги физиологик жараёнлар, хусусан, ферментлар фаолиятининг тезлашуви натижасида ўза барглари 90-95 фоизгача тўкилиб, қўсақлар пишиб етилиши 15-20 фоизга, биринчи терим салмоғи 20-



Ўза олган сурат.

25 фоизгача ошади. Натижада етиштирилган пахта ҳосилининг 80-90 фоизини юқори санат навларига топшириш имконияти яратилиб, гектаридан олиннадиган иқтисодий даромад миқдори ҳам ортади. Бундан ташқари, турли тупроқ-иқлим шароитларида мос бўлган тезпишар, эртапишар, ўртапишар, маълум фоиз кечпишар ўза навларининг яратилиши, шунингдек, пахта далаларида барча агротадбирлар тизимининг, жумладан, ўза дефолиациясини аксарият майдонларда ўтказилиши натижасида ҳар йили режалаштирилган пахта хомашёси октябр ойидаёқ йиғиб-териб олинмокда.

Институтимиз олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотларимизда дефолиантларнинг таъсир этиш самарадорлиги ўза навларининг биологик ҳолатига, иқлим, ҳароратга, тупроқ ва ҳаво намлигига, тупроқ унумдорлигига, ўзанинг озиклини даражасига, қўлланилаётган кимёвий дориларни ишлатиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқлиги аниқланди. Тезпишар навлар ўрта ва кечпишар (ингичка толали) навларга нисбатан кўпроқ таъсирчан бўлади. Дефолиация пайтида тупроқнинг мақбул намлиги ҳам ўза баргларидаги тўкилишни тезлаштиради. Кузатувларимиз натижаси

Аҳоли, фермер хўжаликлари ва барча турдаги сувдан фойдаланувчилар ўртасида суғориш сувини тўғри тақсимлаш талаб этилади. Экинларни суғоришга ажратилган сув миқдорининг суғориладиган майдонларга мувофиқ келишини ҳисобга олиш жуда муҳим.

шунинг кўрсатдики, дефолиация пайтида тупроқ намлиги чекланган дала нам сифмига нисбатан 70-75 фоиз бўлганда ўза барглари энг кўп тўкилади.

Ўзанинг ҳолати (баланд, паст бўйли, сербарглиги), ҳаво ҳарорати-

га (17°C) қараб, ўрта толали ўза навларида магний хлорати препарати сувда эритилган ҳолда пуркалади (ОВХ ёки самолётда). Ўрта толали ўза дефолиациясида ҳар гектарига 8-12 кг/га препарат сарфланади. Ўзалар ҳолатига қараб, препаратни 2 кг камайитириш ёки кўпайтириш мумкин, ҳар гектарига 200-300 литргача ишчи суоқлиги сарфланади.

Ингичка толали ўза навларига эса 14-15 кг/га хлорат магний тавсия этилади. Агар бирон-бир сабаб туфайли биринчи мартаба ўтказилган дефолиациядан сўнг 6-7 кун ўтгач, 75 фоиздан кам барг тўкилиб, терим машиналари учун зарур иш шароити яратилмаган бўлса, такрорий дефолиация ўтказилади. Такрорий дорилар зарурати туғилганда, дефолиантларни сарфлаш меъёрлари хўжаликнинг мутахассис, агрономлари томонидан ўзалар ҳолатига қараб белгиланади.

Ўрта-ингичка толали ўза навларининг ҳосилини пахта терим машиналарида териб олиш учун ўза барглари сунъий тўктирилиб, баргсизлантирилади: қўсақларнинг очилиши 60-70 фоиз — ўрта толали, 70-80 фоиз — ингичка толали ўза навлари учун дефолиация ўтказилишининг қулай муддати ҳисобланади. Вилоят ва туманлардаги минглаб гектар майдонларда дефолиация ўтказилишини тўғри ташкил этиш, трактор механизмларидан тўғри фойдаланишда ўзанинг экиш муддатларига, яъни ўза ривожланиши тезроқ майдонларда барвақтроқ дефолиация ўтказилиб, кейинчалик дефолиантларни табақалаштирилган ҳолда қўллаш мумкин бўлади.

Авазхон АВЛИЌУЛОВ,
Пахта селекцияси, уручилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти
Ўза навлари агротехнологияси лабораторияси мудири,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.



Дунё

Замбуруғлар

жиддий таҳдид
солмоқда

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўрмонларида табиий ёнғинлар тез-тез содир бўлаётганлиги ҳақидаги ахборотларни бот-бот эшитамиз. Бироқ...



Буюк Британиялик экологлар ўтказган тадқиқот натижалари шундан далолат бермоқдаки, ёнғиндан ҳам даҳшатли таҳдид — бу замбуруғлардир. Экологларнинг оғохлантиришича, дейилади «Мир новостей» газетасида чоп этилган ахборотда, Европадаги ўрмон захираларининг учдан бир қисми яқин йилларда бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи бор.

Масалан, Данияда кейинги 7 йилда 90 фоиз шумтол ўрмонзорлари айнан замбуруғлар «хужуми»дан ноқуд бўлган.

«Миллий дарахт» сифатида қадрланадиган ва айни пайтда мамлакат дарахтзорларининг учдан бир қисмини ташкил этадиган Буюк Британия ҳудудларига ҳам бу замбуруғлар ўз таъсирини ўтказмоқда.

Шуни ачинарлики, XXI аср фани замбуруғларга қарши самарали кураш усулларини тополмаяпти. Ҳозирча замбуруғ билан зарарланган дарахтларни кесиб ташлаш билан кифояланмокда.

Синовдан ўтолмаса,

жаримага
тортилади

Буюк Британия полициясида ишлаш анча мушкул. Негаки, унинг «чиғирик»лари кўп. Масалан, жорий этилган тартибга қўра, жисмоний машғулотлар бўйича имтиҳон синовларини уч марта топширолмаган полиция ходимига нисбатан интизомий ва молиявий чора қўйилади.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига қараганда, полицияда хизмат қилаётган ходимларнинг 50 фоиздан зиёди ортиқча вазнга эга, семизликка мубтало бўлганлар эса 20 фоиздан кўп экан.



Соҳада вужудга келган бундай вазиятни яхшилаш учун меъёрий чоралар йўлга қўйилган. Яъни, ортиқча вазнга эга бўлган ёки семизлик «касали»га гирифтор бўлган полиция ходими 8 фоиз маошидан айрилади. Бу — бир йилда 3 минг фунт деган гап.

Ҳилола ҚАРШИБОВА
тайёрлади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Қўриқлаш хизматидан фойдаланинг!

Самарқанд вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси фуқароларга, хусусий тадбиркорларга, корхона ва ташкилот раҳбарларига қўриқлаш хизматларини таклиф этади.

Қўриқлаш бошқармаси шахсий таркиби томонидан 2015 йилнинг 6 ойи давомида 643 дан зиёд халқ хўжалик объектлари, жумладан, 500 дан ортиқ турли савдо расталари шартнома асосида янгитдан қўриққа олинди ва уларнинг хавфсизлиги таъминланиб келинмокда. 2015 йилнинг шу даври мобайнида қўриқланаётган объектларнинг бирортасида кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлмади.

Ушбу халқ хўжалик объектларида ўрнатилган сигнализация мосламалари ҳудудий техник қўриқлаш пунктларига кўп босқичли ҳимоя воситалари орқали уланган бўлиб, сигнализация

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:

Самарқанд шаҳри, Темуралиев кўчаси, 12-уй.

РЕКЛАМА

Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» сообщает: **24 сентября 2015 года в 12.00 в городе Нукусе проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставятся на продажу:**

Автотранспортные средства принадлежащая специализированный на футбол общеобразовательная школа-интернат №7 при министерстве народного образования Республики Каракалпакстан. Расположено по адресу: г.Нукус, автомобильная Нукус-Турткул, дом 6/н.

— Автомашини марки «Ниссан», 2008 года выпуска, гос.номер — №95/955 ЕАА. Начальная цена — 8 465 520 сум.

— Автомашини марки АГВ «КАВЗ-3270», 1989 года выпуска, гос.номер — №23АЕ111. Начальная цена — 1 620 000 сум.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с №20208000204970498001, ИФН 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турткулбанк». Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г.Нукус, ул.Амира Темура, дом 122а. Телефон для справок: (0-361) 222-55-84.

Удостоверение №006388
Услуги лицензированы.



«ЎЗМИЛЛИЙБАНК»: ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАЛАРИ янги иш ўринлари яратилишининг бош омилидир

Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, базавий тармоқ корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш ва модернизация қилишда Ўзбекистон банк-молия тизимининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ҳам ўз ўрни бор.

«Ўзмиллийбанк» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4053-сонли Фармони асосан ўз таркибидagi «NBU Invest Group» ва «NBU Investment» инвестиция компаниялари орқали иқтисодий ночор корхоналар негизда ташкил этилган корхоналар активларини самарали бошқариш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва фаолияти тикланган ушбу корхоналарни истиқболли инвесторларга сотиш чораларини кўрмоқда.

Жумладан, банк томонидан «Хоразм паласе» меҳмонхонаси 2002 йилда қайта тикланиб, жаҳон андозаларида хизматлар кўрсатиш



йўлга қўйилди. «NBU Investment» компанияси бунинг учун 2 млрд. 11 млн. сўм миқдорда инвестиция маблағларини йўналтирди. Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги замонавий 4 юлдузли меҳмонхона барча қўлайликларга эга 103 та хонадан иборат бўлиб, унда юқори даражадаги хизматлар кўрсатилади. Шунингдек, бизнесменлар учун замонавий алоқа-коммуникация воситалари билан таъминланган бизнес-марказ ҳам мавжуд. Ишбилармонлар учрашуви, семинар-тренинг машғулоти учун барча шароит мукайф. Бугунги кунда меҳмонхонада 25 киши иш билан машғул.

Банк томонидан олиб борилган ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизациялаш чора-тадбирлари туфайли «Хоразм паласе» тўла қувватга кирди. Жозибдор кўринишга келиб, инвесторлар эътиборини жалб этди ва жорий йилнинг май

ойида «Хоразм art color trade» МЧЖга сотилди.

Иқтисодий ночор корхоналарнинг тикланиши, барқарор фаолият юритиши мамлакатимиз равнақининг кафолатидир. Сабаби, иқтисодиёт реал секторидagi корхоналарнинг қайтадан ташкил этилиши аҳоли бандлигини таъминлашига замин яратади.

Маълумот ўрнида шунинг алоҳида қайд этиш кераклики, амалга оширилган ишлар натижасида Миллий банк балансидаги ишлаб чиқариш йўлга қўйилган корхоналар томонидан баргина жорий йилнинг ўтган даврида жами 66,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 8,4 млн. АҚШ доллари миқдорда маҳсулотлар экспорт қилинди. 2 742 иш ўрни яратилди.

«Ўзмиллийбанк»
матбуот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 18 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати белгиланади:*)

■ 1 Австралия доллари	1910,15
■ 1 Англия фунт стерлинги	4054,46
■ 1 Дания кронаси	385,13
■ 1 БАА дирҳами	705,25
■ 1 АҚШ доллари	2590,38
■ 1 Миср фунти	330,83
■ 1 Исландия кронаси	19,57

■ 1 Канада доллари	1975,73
■ 1 Хитой юани	405,15
■ 1 Россия рубли	39,89
■ 1 Украина гривнаси	119,06
■ 1 Малайзия ринггити	632,57
■ 1 Польша злотийси	686,65
■ 1 СДР	3635,96

■ 1 Туркия лираси	912,46
■ 1 Швейцария франки	2651,36
■ 1 ЕВРО	2868,34
■ 10 Жанубий Корея вони	21,91
■ 10 Япония иенаси	208,25

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъжур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

«БЕҲЗОД АБДУРАИМОВНИНГ ОЛОВЛИ БАРМОҚЛАРИ»

Швейцариянинг «Le Temps» нашрида ҳамюртимиз Беҳзод Абдураимов ҳақида ушбу сарлавҳа остида мақола чоп этилди.

■ Пианиночи Беҳзод Абдураимов Вербедаги фестивалда биринчи марта мусиқа чалди. У ўзининг қобилияти билан томошабинлар эътиборини жалб эта олди. (Алина Палей)

«2009 йилда Лондондаги нуфузли танловда ғолиб бўлган ўзбек пианиночиси жаҳон санъати осмонидан қақиндай чақнади, ўзининг бор маҳоратини намойиш этди. Натижада жаҳонда ўз ўрнига эга бўлган «Десса» продюсерлик компанияси билан шартнома имзолади.

Унинг кучига ҳавас қилса арзийди. Яқшанба оқсомида Вербедаги фестивалда Беҳзод Абдураимовнинг Прокофьев №3 концертини қандай ижро этганини ҳамма кўрди. Клавиатурага эгилган жисми худди отилаётган вулқонга ўхшайди. 2009 йилда жаҳон пианиночиларининг энг нуфузли танлови ғолиб, фавкулотда иқтидор соҳиби бўлган Беҳзод Шарқ мусиқачиларининг авлоди ҳисобланади.

У ҳар доим «Мен рус фортепьяно мактаби вакили эмасман» дея тақдорлайди. Шунингдек, ўзини бир нечта фортепьяно мактабларига алоқадор эканини таъкидлайди.

Беҳзод 1990 йили Тошкентда мусиқа ўқитувчиси бўлган она ва олим отанинг фарзанди сифатида дунёга келди. «Мен буюк концертларни тинглаганимда ҳаяжонга тушардим. Уларни тезроқ ижро этишни истардим» дейди у. Уша пайтларда янги концертлар ёзилган дискларни топиш осон эмасди. «Ҳозир интернетга кириб, ҳар қандай

концертни томоша қилиш мумкин. У пайтларда бунақа шароит йўқ эди. Мен бунда ҳалигача собиқ совет иттифоқини айбламан».

Бу йигитча кашфиётчи, физика математика фанлари доктори бўлган марҳум отасини яхши эслайди. У 5 ёшдан ошганда онаси фарзандидаги иқтидорни сезиб, унга пианинода биринчи сабоқларни бера бошлади. Вақт ўтиб ўглини Тошкентдаги Успенский мактабига, Тамара Поповичнинг қўлига топширди. «У болаларни ўқитиш бўйича афсонавий профессор эди» дейди Беҳзод. Буюк келажак соҳиби саккиз ёшида оркестр жўрлигида ўзининг илк концертини берди. «Тошкентда йил давомида бир марта оркестр билан концерт берардим. Бу эса тажрибам ошиши учун жуда фойдали бўлганди». Вақт ўтиши билан у таълим олиши, маҳоратини янада ошириши учун хорижга чиқиш кераклиги ойдинлашди. «16 ёшга тўлганимда Тамара Попович: «Мен сенга беришим мумкин бўлган ҳамма нарсани бериб бўлдим. Энди

ўқини бошқа жойда давом эттиришинг керак» деди». Шундан кейин Беҳзод 2001 йилда ўтказилган Ван Клиберн танлови ғолиби, ўзининг ҳамшахари Станислав Юденич қўл остида шуғуллана бошлади. Юденич у билан алоҳида ишлади. Беҳзод ижросида «№1 Лист Мефисто Вальс» ни тинглаган Юденич шогирдига катта тезликда куй чалиш эвазига сифатга путур етказмаслик зарурлигини уқтирди.

Уша пайтда Беҳзод Нью-Йоркда жойлашган, нисбатан нуфузлироқ бўлган «Juilliard School»да ҳам ўқини мумкин эди. Бироқ ёш мусиқачи ўзининг келажиги Канзас-Ситидаги Станислав Юденич фортепьянодан дарс берадиган Парк университетидан эканлигини ҳис қилди. «У тартибни яхши кўрадиган мусиқачи. Ўз навбатида у билан ишлаш осон эмаслигини айтиш жоиз. Юденич буюк мусиқачи Дмитрий Башкировнинг шогирди ҳисобланади. У Артур Шнабелнинг ўғли Карл Ульрих Шнабелдан, Розалин Тюркел ва Леон Флейшерлардан таҳсил олган. Устозим ўзининг фикрини талабага сингдиришга ҳаракат қилмайдди. Бу эса бизга ўз дидимизга кўра ишлашга, Бетховен ва Моцартни тинглаган ҳолда мусиқа майдонида ўзлимизни яратиб имконини берган» дейди Беҳзод Абдураимов.

2007 йилда Канзас-Ситига келган Беҳзод 2009 йилда Лондонда ўтказилган халқаро танловда қатнашди. Дастур жуда қийин, мураккаб эди:



Паганинининг «Вариации Брамса» и ва Шопеннинг иккита китоби, Прокофьевнинг 6-сонатаси, ер юзидаги барча пианиночилар томонидан «дахшатли даражада қийин» дея таърифланган Томас Адеснинг замонавий куйидан бир парча ижро этиш... Ҳар бир саралаш босқичи алоҳида жойларда ўтказилди. Биринчи босқичда Беҳзод Royal Festival Hall залида чиқиш қилган бўлса, кейингисидан Лондон филармоник оркестрида ўзининг маҳоратини намойиш қилди. Уша пайтда 18 ёш бўлган Беҳзод Абдураимов 1-ўринни қўлга киритди. Кўплаб мусиқий компаниялар, агент-

лар у билан қизиқиб қолди. АҚШга қайтган Беҳзод «Десса» билан шартнома имзолади.

Бугунги кунда Беҳзод Абдураимов йилга 60-65 та концерт кўяди. У ўзининг асосий вақтини Канзас-Сити, Тошкент ва Лондонда ўтказишда. Бундай ҳаёт тарзи ёш мусиқачига янада куч бағишлайди. «Баъзан жуда зарарлиман. Саҳнага чиққанимдан кейин муҳлислар олқиши менга куч бағишлайди» дейди у. Уни яна бир дебют концерт қўтиб турибди. Мюнхен филармониясида Лейпциг Гевандхаузаус оркестри жўрлигида янги дастурини намойиш этади. Мух-

тасар қилиб айтганда, унинг ҳаёти зерикарли эмас. «Тўғриси, ўзим қатнашган ҳар бир концертни эслай олмайман. Ахир уларнинг сони жуда кўпда!»

Сўхбат якунида жаҳонга машҳур композиторларнинг фаолияти ҳақида гапирар экан, Беҳзод жумладан, шундай деди: «Буюк мусиқачилар бизга жуда катта ҳазина қолдирганини унутмаслигимиз, бу ҳақда доимий равишда ўйлашимиз керак. Мана, бизнинг ишимиз нимадан иборат...»

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АбЗАМ тайёрлади.

ТАДБИР

■ Наманганда Республика Маънавият тарбиёт марказининг ҳудудий бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида энг улуг, энг азиз айём — Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Наманган шаҳридаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбирда иштирокчилар вилоят ўлкани ўрганиш музейида мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни акс эттирган кўргазма билан танишдилар.

КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?

— Истиклол эркин ва фаровон ҳаёт кечирish бахтини ато этди, — дейди Тўрақўрғон туманидаги «Шаҳанд хумо қуши» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдураҳим Ҳомидов. — Ҳозир бирор иш ёки ҳунарнинг бошини тутган одам барака топади. Меҳнатининг ҳузурини кўради. Мустақилликнинг бундай имкониятларидан миллиятдан, ёшдан, касб-коридан қатъи назар, ҳамма бирдек баҳраманд.

Тадбир доирасида ташкил этилган «Қадриятлар намунаси» номли кўргазмада намойиш этилган атлас адрас, бежирим костюм-шмилар, кулолчилик намуналари, миллий ўйинчоқлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Рассомлар томонидан иштирокчилар эътиборига ҳавола этилган суратларда эса Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган замонамиз қаҳрамонлари қиёфаси акс эттирилган.

Тадбирда мустақиллик йилларида Наманган вилоятида эришилган ютуқларни акс эттирувчи «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» номли ҳужжатли видеоролик тақдимоти ҳам ўтказилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Маданият маркази халқ хизматида



■ Андижон вилоятининг Хўжабод туманида Хонобод шаҳар маданият ва аҳоли дам олиш марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу марказни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун 455 миллион сўм маблағ сарфланди.

Тадбир доирасида мазкур туманда фаолият юритаётган бадий-ҳаваскорлик жамоалари, «Оҳанрабо», «Олтинқўл сози», «Армуғон», «Нафосат» ашула ва рақс ансамблилари, таниқли санъаткорлар иштирокида тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг мазмунли дам олишини ташкил этиш, ижтимоий-маданий фаолиятини ошириш мақсадида 894 та замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ташкил этилиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази

директори Азамат Ҳайдаров. — Уларда бадий ҳаваскорлик ва халқ ижодиёти, номоддий маданий мерос дурдоналарини ўрганиш, миллий-амалий санъат каби турли йўналишлар бўйича 4000 га яқин тўғарак ва студиялар фаолият юритмоқда.

Замонавий марказларда ёшларнинг эстетик ва маънавий эhtiёжларини қондиришга қаратилган маданий-маърифий хизматларни кенг йўлга қўйиш, ахборот ресурслар, интернет-студиялар, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш курслари, мунозара клублари, спорт секциялари ва интеллектуал ўйинлар бўйича мусобақалар, танловлар, фото ва амалий санъат кўргазмалари ташкил этилмоқда.

Назозат АҲМЕДОВА

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ
Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiда chop etiladi.

Korxona manzili: Buxor Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859

10987

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 20.40

Topshirilgan vaqti — 22.10

Sotuvda kelishilgan narxdo

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

7720107433006

1 2 3 5 6